

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
«НАМКОРВАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Намкорбанк» АТБ Кенгаши  
мажлисининг 14.02.2020 йилдаги  
03-сонли мажлис баёни билан.**

**Банк Кенгаши раиси**

\_\_\_\_\_ **И.Ибрагимов**

**«НАМКОРВАНК» АТБ ЭМИССИЯ СИЁСАТИ**

**2020 йил**

## «НАМКORBANK» АТБ ЭМИССИЯ СИЁСАТИ

**1-боб. Умумий қоидалар**

**2-боб. Эмиссия фаолиятининг мақсади ва стратегияси**

**3-боб. Қимматли қоғозларни чиқариш**

**4-боб. Банк чиқарадиган қимматли қоғозлар учун талаблар**

**5-боб. Қимматли қоғозларни жойлаштириш**

**6-боб. Қимматли қоғозларни ўз вақтида қайтиб сотиб олиш**

**7-боб. Қимматли қоғозлар ликвидлигини таъминлаш**

**8-боб. Ахборотни ошкор қилиш**

**9-боб. Яқуний қоидалар**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикаси Фуқаро кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (бундан кейин – Марказий банк) меъёрий ҳужжатлари, шунингдек «Намкорбанк» (бундан кейин – Банк) АТБ Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Эмиссия сиёсати бу – қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан банкнинг ликвидлигини таъминлаш, унинг капитали ва ресурс базасини ошириш, шунингдек банк пасивларини диверсификациялашга йўналтирилган тадбирлар комплекси.

2. Ушбу Сиёсат Банкнинг муомалага қимматли қоғозларни чиқариш мақсадлари, вазифалари ва тартибини белгилаб беради ва Банкни ривожлантириш стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Сиёсатда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Еврооблигациялар (Eurobonds)** – халқаро молия бозорида жойлаштирилган қарз қимматли қоғозлари, купонли облигациялар. **Одатда, номинал қиймати эмитент жойлашган мамлакатдан бошқа мамлакат валютасида белгиланади.**

**SPV special purpose vehicle** — банк кафолати остида қарз қимматли қоғозларини чиқариш, битимлар тузиш учун ташкил этилган махсус мақсадли компания, қарз олувчи сифатида чиқади, муайян мулк ҳуқуқларини ва мажбуриятларини сотиб олади.

### **2-боб. Эмиссия фаолиятининг мақсади ва стратегияси**

4. Эмиссия фаолиятининг асосий мақсади қимматли қоғозлар чиқариш ва аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини жалб қилиш воситасида банк капиталини ошириш, **ресурс базасини ва пасивлар диверсификациясини кенгайтириш** ҳисобланади.

5. Банк эмиссия фаолиятининг асосий мақсадларига мувофиқ қуйидаги эмиссия стратегиялари қўлланилади:

узоқ муддатли эмиссия стратегияси, яъни узоқ муддатли пасивларни шакллантириш мақсадида узоқ муддатли қимматли қоғозларни чиқариш;

қисқа муддатли эмиссия стратегияси, яъни қисқа муддатли пасивларни шакллантириш мақсадида қисқа муддатли қимматли қоғозларни чиқариш;

муддатсиз эмиссия стратегияси, яъни устав капиталини акциялар чиқариш йўли билан ошириш.

6. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш маблағларини муайян муддатларга жалб қилиш мақсадларида банк ўрнатилган тартибда қарз қимматли қоғозларини чиқариши мумкин.

7. Банкнинг устав капитални акциядорлар сотиб олган банк акцияларининг номинал қийматида ифодаланган суммасидан иборат. Банкнинг устав капитални қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилиши мумкин.

8. Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин қуйидагилар аниқлаб олинган бўлиши керак:

қимматли қоғозлар чиқаришнинг асосий мақсади;

муомалага қимматли қоғозлар чиқаришдан кутиладиган самарадорлик;

муомалага қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ процедуралар;

қимматли қоғозлар бозори, инвесторлар ва уларнинг инвестиция дастурлари, бозордаги талаб ва таклифни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

банкнинг кредитлаш, жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланиш ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг узоқ муддатли ва қисқа муддатли стратегияларини ҳисобга олган ҳолда эмиссион қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиш даври, фойда ставкаларини белгилаш.

9. Қуйидагилар қимматли қоғозларни чиқаришда эмиссия сиёсатининг мақсади ҳисобланади:

устав капиталини ошириш;

қарз ресурсларини жалб қилиш;

банкнинг ликвидлигини сақлаб туриш ва банк фойдасини ошириш;

молиявий имкониятларини ошириш ва банк фаолияти соҳасини кенгайтириш учун тегишли шароитларни яратиш;

қарз маблағларини жалб этишнинг муқобил манбаларини излаш йўли билан харажатларни пасайтириш;

янги янада ўзига тортадиган ва рақобатбардош банк маҳсулотларини таклиф қилиш.

10. Банк амалдаги қонунчилик ва ушбу сиёсат доирасида эмиссия фаолиятининг йўналишларини ўзи мустақил белгилайди ва чиқариш учун қимматли қоғозларнинг зарур турларини танлайди.

### **3-боб. Қимматли қоғозларни чиқариш**

11. Банк амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларнинг қуйидаги турларини чиқариш ҳуқуқига эга:

акциялар;

облигациялар;

депозит (жамғарма) сертификатлари;

ҳосила қимматли қоғозлар.

Чиқарилиш шакли бўйича қимматли қоғозлар ҳужжатлаштирилган, бланклар шаклида ва электрон шаклдаги ҳужжатлаштирилмаган, ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар шаклида бўлиши мумкин.

12. Банк амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган шаклдаги, муомалада бўлиш муддати чекланган облигациялар, депозит (жамғарма) сертификатлари, ҳосила қимматли қоғозлари ва векселлар каби қимматли қоғозларни чиқаради. Акциялар ҳужжатлаштирилмаган шаклда номуайян муддатга чиқарилади.

13. Эмиссия қимматли қоғозларининг даромадлилик даражаси уларнинг муомалада бўлиш муддатларига мувофиқ аниқланади.

14. Банкнинг устав капитали акциядорлар сотиб олган Банк акцияларининг жами номинал қийматидан ташкил топади. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилиши мумкин.

15. Эмитентнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлаб бўлинганидан кейингина акцияларни қўшимча чиқариш мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор акцияларни олдинги чиқариш якунлари бўйича эълон қилинган ва жойлаштирилган акцияларнинг янги миқдорига нисбатан эмитент уставига киритилган ўзгартиришлар давлат рўйхатига олинганидан кейингина қабул қилиниши мумкин.

16. Эмиссион қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қуйидагилардан иборат бўлади:

- а) банкнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили);
- б) эмиссион қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш санаси;
- в) эмиссион қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган Банк бошқаруви органининг номи;
- г) эмиссион қимматли қоғозларнинг тури ва типи ва уларни чиқариш шакли;
- д) эмиссион қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари;
- е) чиқарилган эмиссион қимматли қоғозларнинг миқдори;
- ж) эмиссион қимматли қоғозларнинг номинал қиймати;
- з) эмиссион қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари ва тартиби;
- и) жойлаштириш усули ва нархи;
- к) жойлаштириш муддати;
- л) тўлаш шартлари ва тартиби;
- м) муомалада бўлиш тартиби, муддатлари, қоплаш ва даромадларни тўлаш шартлари (облигациялар учун);
- н) банк олган маблағларни қайтариш тартиби;
- о) эмитентнинг чиқариш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби.

17. Эмиссион қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор банкнинг ваколатли бошқарув органи томонидан қонунчилик ва банк уставига мувофиқ тасдиқланади.

18. Эмитентнинг облигациялар бўйича мажбуриятлари гаров, банк кафолати ёки қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар билан қўшимча таъминланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорида, шунингдек қўшимча таъминотни тақдим этган шахс ва таъминлаш шартлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши зарур. Бу ҳолда облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор шунингдек қўшимча таъминотни тақдим этадиган шахс томонидан ҳам имзоланиши зарур.

19. Эмиссия қимматли қоғозларини чиқариш давлат рўйхатига олинганидан сўнг қарорнинг бир нусхаси қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида қолади, бир нусхаси эмитентга берилади ва бир нусхаси эмиссион қимматли қоғозлар чиқарилишини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига берилади.

20. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор бир чиқаришдаги қимматли қоғозларни бир вақтнинг ўзида хусусий ва оммавий жойлаштиришни кўзда тутмаслиги керак (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқадиган ҳолатлар бундан истисно).

21. Эмиссия қимматли қоғозларини чиқариш тўғрисидаги рўйхатга олинган қарорни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек кучини йўқотган деб ҳисоблаш қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

22. Қимматли қоғозларни чиқариш жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) эмиссия фаолиятининг асосий мақсадлари ва стратегиясидан келиб чиқиб, қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича тузилма бўлинмаси, шунингдек Бош офиснинг Ғазначилик департаменти қимматли қоғозлар эмиссияси ташаббускорлари ҳисобланади;

б) қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича тузилма бўлинмаси қимматли қоғозлар бозори конъюнктураси, қимматли қоғозларга талаб, қимматли қоғозларнинг ликвидлилиги, кутилаётган ставкалар, уларнинг рақобатбардошлиги, муомалада бўлиш муддатини ўрланади, шунинг асосида таклиф тайёрланади;

с) Ғазначилик департаменти банк кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларни жойлаштириш йўли билан банк капиталини ошириш ва ресурс базасини кенгайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади

д) Бош банкнинг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича тузилма бўлинмаси Ғазначилик билан биргаликда Ликвидликни ва молиявий хатарларни бошқариш қўмитасига (бундан кейин – ЛМХБҚ) чиқариладиган қимматли қоғозларнинг турлари, муомалада бўлиш муддатлари ва фоиз ставкалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этади;

е) ЛМХБҚ қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тўғрисидаги таклифни ўрганиб чиқиб, муҳокамалардан сўнг қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида тегишли қарорни қабул қилади;

ф) Банк Бошқаруви ЛМХБҚ нинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, тегишли қарорини қабул қилади;

г) Агар акциядорлар Умумий мажлиси томонидан шундай ваколат берилган бўлса, устав капиталини акцияларни қўшимча чиқариш воситасида ошириш, шунингдек облигациялар, депозит (жамғарма) сертификатлар, ҳосила қимматли қоғозлар ва векселлар чиқариш тўғрисидаги қарорни Банк кенгаши қабул қилади. Муомалага облигациялар, депозит сертификатлари, ҳосила қимматли қоғозлари ва векселлар каби қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорни Банк Кенгаши қабул қилади;

ҳ) қимматли қоғозлар бўйича тузилма бўлинмаси қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги Қарор лойиҳасини/қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини/қимматли қоғозлар чиқариш шартларини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун Банк Кузатув кенгашига тақдим этади;

и) Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги Қарор лойиҳаси/қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти/ қимматли қоғозлар чиқариш шартлари ўрнатилган тартибда рўйхатга олиш учун ваколатли давлат органига тақдим этилади;

ж) қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги ахборот давлат рўйхатига олинганидан сўнг қонунчилик билан ўрнатилган тартибда ошкор қилинади;

к) муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар ўрнатилган тартибда банкнинг минтақавий филиаллари томонидан тақсимланади ва жойлаштирилади;

л) қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги билдириш эмитент раҳбари, унинг бош бухгалтери ёки уларнинг вазифаларини бажараётган шахслар томонидан имзолаш санасини кўрсатган ҳолда имзоланади. Эмитентнинг қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги билдиришномасини имзолаган масъул шахсларнинг имзолари муҳр билан тасдиқланиши зарур.

«Hamkorbank» АТБнинг қимматли қоғозларни чиқариш жараёни 1-иловада келтирилган.

23. Имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати банк устав капиталининг 20% дан ошмаслиги керак.

24. Банкнинг акция ва облигацияларини муомалага чиқариш ва давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

25. Банк депозит (жамғарма) сертификатларини муомалага чиқариш ва давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

26. Банк қимматли қоғозлар эмитенти ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ги Қонуни ва ички меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибда ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этади.

#### **4-боб. Банк чиқарадиган қимматли қоғозлар учун талаблар**

27. Банкнинг устав капитали миллий валютада шакллантирилади ва банк таъсисчилари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлат қимматли қоғозларидан ташкил топади, қуйидаги ҳоллар бундан истисно:

Банк акцияларини банк кредиторлари орасида жойлаштириш ва уларни банкнинг кредиторлар олдидagi пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқлар (талаблар) ҳисобига ўтказиш йўли билан тўлаш;

қимматли қоғозларни банк акцияларига конвертация қилиш;

банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш;

банк устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаров эвазига олинган маблағлар, шунингдек бошқа оғир мажбуриятлар билан боғлиқ маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Тизимий молиявий инқироз ҳолларида банк акцияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат қимматли қоғозлари ҳисобига сотиб олиши мумкин.

**28. Облигацияларни чиқариш қуйидагича амалга оширилади:**

**эмитентнинг облигацияларни чиқариш тўғрисида қарорни қабул қилиш санасидаги аудиторлик ташкилоти хулосаси билан тасдиқланган хусусий капитали миқдори чегараларида;**

охирги уч йилдаги мустақил рейтинг баҳоси ва рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлиги ва ликвидлигининг ижобий кўрсаткичларини тасдиқловчи аудиторлик ташкилотининг хулосаси олинганидан сўнг.

эмитентнинг облигацияларни чиқариш тўғрисида қарорни қабул қилиш санасидаги аудиторлик ташкилоти хулосаси билан тасдиқланган хусусий капитали миқдори чегараларида (повтор);

қонунчиликда ўрнатилган тартибда охирги уч йилдаги рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлигининг ижобий кўрсаткичларини тасдиқловчи аудиторлик ташкилот хулосаси, шунингдек мустақил рейтинг баҳоси олинганидан сўнг.

29. Банк чиқарган депозит сертификатларига талаблар:

депозит сертификатлар ҳужжатлаштирилган шаклда чиқарилади;

депозит сертификат товарлар сотиб олиш-сотишда ёки кўрсатилган хизмат (иш)лар учун ҳақ тўлашда ҳисоб-китоб ёки тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас;

депозит сертификатларини сотиш-сотиб олиш бўйича пул ҳисоб-китоблари нақд пулсиз шаклда, жамғарма сертификатлари бўйича – нақд пулсиз ва нақд пул шаклида амалга оширилади;

сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади. Депозит сертификатларини хорижий валютада чиқариш тақиқланган;

сертификатлар 6 ойдан 3 йилгача (сертификат эгасининг сертификат берилган вақтдан бошлаб депозит талабини амалга ошириш санасигача) бўлган муддатга чиқарилади.

### **5-боб. Қимматли қоғозларни жойлаштириш**

30. Банк қимматли қоғозларни ўзи мустақил, шунингдек инвестиция воситачилари орқали жойлаштириш ҳуқуқига эга.

31. Қимматли қоғозлар қуйидаги усуллар билан жойлаштирилиши мумкин:

а) қимматли қоғозларни хусусий жойлаштириш (оммавий эълон қилмасдан ва реклама кампанияси ўтказмасдан инвесторларнинг олдиндан маълум бўлган чекланган сони ўртасида ёпиқ обуна);

б) қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш (рекламадан фойдаланиб инвесторларнинг чекланмаган сони ўртасида очик обуна).

32. Банк қимматли қоғозларни чиқариш яқунлари тўғрисидаги ёзма хабарномасида жойлаштирилган эмиссион қимматли қоғозларининг ҳақиқий миқдорини кўрсатади. Эмиссион қимматли қоғозларни чиқариш яқунлари тўғрисидаги ёзма хабарномани тақдим этиш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

33. Банк чиқариладиган эмиссион қимматли қоғозларни жойлаштиришни уларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан кўзда тутилган муддатда тугаллаши шарт, бу муддат эмиссион қимматли қоғозларни чиқариш давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

34. Эмиссион қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш эмиссион қимматли қоғозлар чиқаришнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда эълон қилинганидан сўнг камида икки ҳафта ўтганидан кейин амалга оширилади.

35. Банк инвесторга эмиссион қимматли қоғозлар проспекти ва эмиссион қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари билан улар сотиб олинишидан олдин танишиш имкониятини таъминлаши шарт.

36. Устав жамғармаси (устав капитали)нинг эллик фоизидан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар банк акциядорлари бўла олмайдилар.

37. Банк акцияларини бевосита ва билвосита сотиб олишдан олдин бошқа банклар Марказий банкнинг дастлабки рухсатини олиши шарт. Бошқа банклар Банкнинг устав капиталидаги улушини ошириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатини олиши шарт.

38. Норезидентлар – иштирокчилари (акциядорлари), охирги бенефициар мулк эгалари имтиёзли солиқ режими тақдим этиладиган ва (ёки) охирги бенефициар мулк эгасининг шахсини ошкор қилишни ва молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни кўзда тутмайдиган давлатда рўйхатдан ўтган юридик шахслар ва шу ҳудудда яшовчи жисмоний шахслар банк акцияларнинг бевосита ёки билвосита эгалари бўла олмайди.

39. Банк акцияларини сотиб олишга дастлабки рухсат олиш учун олдин монополияга қарши органнинг розилигини олиш талаб этиладиган ҳолларда, Банк акцияларини сотиб олишга дастлабки рухсат олиш учун тақдим этилган ариза Марказий банк томонидан монополияга қарши органнинг қарорини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

40. Банк акцияларини сотиб олиш учун дастлабки рухсатни олмасдан тузилган битимлар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

41. Депозит сертификатларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

42. Векселларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

#### **6-боб. Қимматли қоғозларни ўз вақтида қоплаш**

43. Банк ўзи чиқарган қимматли қоғозлар бўйича келиб чиқадиган барча мажбуриятлари бўйича ўрнатилган тартибда жавоб беради.

44. Банк ўзи чиқарган қарз қимматли қоғозлари бўйича қарзнинг асосий суммасини қоплаши ва даромадларни тўлиқ тўлаши шарт.

45. Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда эмиссион қимматли қоғозлар бўйича захира жамғармаси ташкил этиш ҳуқуқига эга.

#### **7-боб. Қимматли қоғозларнинг ликвидлигини таъминлаш**

46. Банк ўзи чиқарган қимматли қоғозларнинг ликвидлигини сақлаб туриши зарур. Қимматли қоғознинг ликвидлиги дейилганида муомаладаги қимматли қоғознинг нақд ва нақд бўлмаган пул маблағларига тез ва осон айланиш қобилияти тушунилади.



47. Банк эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг (акциялардан ташқари) ликвидлигини таъминлаш учун қимматли қоғозларни ўрнатилган тартибда инвестор ёки мижоз билан келишув бўйича қайта сотиб олиш муддатидан олдин қайта сотиб олиши мумкин.

48. Қайта сотиб олиш муддатидан олдин сотиб олинган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари)ни банк иккиламчи бозорда жойлаштириши мумкин.

49. Қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш мақсадида Банк уларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда суғурталаши мумкин.

50. Қимматли қоғозларнинг ҳақиқий даромадлилиги қимматли қоғозларнинг ўзига жалб қилиш жиҳатлари, котировкаларнинг ўсиши ва молиявий бозорнинг ҳолатига боғлиқ бўлади.

## **8-боб. Ахборотни ошкор қилиш**

51. Банк қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

– қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини ва эмитентнинг йиллик ҳисоботини барча манфаатдор шахсларга танишиш учун тақдим этиш;

– қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг матни билан танишиш жойи ва тартиби тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумотларни шунингдек қимматли қоғозларни жойлаштиришни бошлаш санасидан камида икки ҳафта олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

– Банк акциядорларининг йиллик умумий мажлиси ёки бошқа бошқарув органи мажлисидан сўнг уч ҳафта мобайнида йиллик ҳисоботни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

– банкнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига йил чораклари бўйича тақдим этадиган ҳисоботини ҳисобот даври тугагандан сўнг бир ой ичида эълон қилиш;

– эмитент фаолиятидаги муҳим факт тўғрисидаги хабарни бундай факт маълум бўлган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

52. Банк қонунчиликка мувофиқ равишда инвесторларга бошқа ахборотни ҳам ошкор қилиши мумкин.

## **9-боб. Яқуний қоидалар**


53. Ушбу Сиёсатга қонунчиликнинг ўзгариши, Банк Уставига, Банкнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши, Банкнинг ташкилий тузилмаси ўзгариши муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

54. Агар ушбу Сиёсатнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига зид келадиган бўлса, бу бандлар ўз кучини йўқотади ва бу бандлар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ушбу Сиёсатга тегишли ўзгартиришлар киритиш вақтигача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги меъёрлари ва/ёки Банк Уставига риоя қилиш зарур бўлади.

55. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши муносабати билан банк Кенгаши мажлисининг 09.09.2016 йилдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган «Hamkorbank» АТБ нинг Эмиссия сиёсати» ўз кучини йўқотади.

<b>Юрист</b>	_____	<b>А.Комилов</b>
<b>Қимматли қоғозлар ва биржа хизматлари бўлими бошлиғи</b>	_____	
<b>С.Турдияхунов</b>		
<b>Ишчи гуруҳ котиби</b>		
<b>Методология сектори мутахассиси</b>	_____	<b>З.Ахунова</b>

## Хориж капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик-тижорат банкининг қимматли қоғозлар эмиссияси процедураси



## ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ: УМУМИЙ ҚАДАМЛАР

Еврооблигациялар чиқаришга тайёргарлик жараёни одатда инвесторлар билан учрашув вақтигача 9-10 ҳафтага яқин вақтни олади. Етакчи ташкилотлар (банклар) биринчи чиқаришга тайёргарлик доирасида барча зарур қадамларни ва параллел жараёнларни ўтишга ёрдам беради

Жараённинг бошланиши		Тайёргарлик	Хужжатлар			Маркетинг			Нархларни белгилаш		
1-ҳафта		2-9-ҳафта			10-ҳафта			Жараённинг охири куни			
Етакчи ташкилотчиларни танлаш	Мандат хатни келишиш	Йўл-йўриқ кўрсатувчи учрашув, маслаҳатчи ва агентларни тайёрлаш	Юридик текширув доирасидаги учрашувлар	Юридик хужжатларни тайёрлаш ва проспекти устида иш бошлаш	Проспект устида ишлаш, маркетинг материалларини тайёрлаш	Битимни эълон қилиш, рейтингларни тасдиқлаш	Асосий параметрларни аниқлаш (тўлаш мuddати, чиқариш ҳажми)	Инвесторлар билан учрашувлар ва Бюртмалар китобини тўплаш	Физ ставкасини белгилаш	Проспектнинг сўнгги версиясини эълон қилиш	Савдо ва бозор нарҳини сақлаш

### Жараён иштирокчилари

Етакчи ташкилотчилар (банклар)	Юридик маслаҳатчилар	Эмитент	Аудиторлар
Битимга тайёргарлик, мувофиқлаштириш ва раҳбарлик	Эмитент маслаҳатчиси: проспектни тайёрлайди	Проспектни тайёрлашда юридик маслаҳатчи билан бирга ишлайди	Аудитдан ўтказилган молиявий исоботни тайёрлайди
Маркетинг стратегияси ва еврооблигацияларни инвесторларга сотиш	Етакчи ташкилотлар масла атчиси: битим бўйича ушжатларни тайёрлайди	Инвесторлар билан учрашув учун компания тўрисида та димот тайёрлайди	Комфорт хат та дим этади
	ар икки масла атчи: комплекс юридик текшириш ўтказди		Молиявий ахборотнинг тўри акс эттирилганини тасдиқлаш учун проспектдаги ахборотни текширади